# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 13-YANVAR, JUMA, 6 (7935) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасининг насос станциялари ва мелиоратив тик қудуқлар участкалари қошида паррандачилик, чорвачилик, қуёнчилик, балиқчилик, боғдорчилик ва полизчилик сингари ёрдамчи хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилди.

2



— Турмуш ўртоғим билан ҳарбий йиғинлардан бирида танишганмиз, — дейди кичик сержант Ш.Хўжақулова. — Ҳозирда умр йўлдошим майор Асҳад Абдураззоқов Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги ҳарбий қисмда хизмат вазифасини ўтамоқда.

3



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг изчил эркинлаштирилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг солиқ имтиёзлари берилаётгани мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Сурхондарё Вилояти

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## ҲАРБИЙЛАР БАЙРАМНИ ЯНГИ УЙЛАРДА НИШОНЛАЙДИ

***Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 20 йиллик қутлуғ санаси – Ватан ҳимоячилари куни арафасида Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг ҳарбий хизматчилари учун 27 хонадонга мўлжалланган барча шароитларга эга икки қаватли замонавий турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, пухта тайёргарликка эга, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир миллий армиямиз шаклланди.





Ватан ҳимоячилари юртимизда ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Улар ҳавас қилса арзигулик шарт-шароитларда яшаб, хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси ҳарбий соҳага қаратилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик самараси, Қуролли Кучларимизнинг босқичма-босқич такомиллаштирилаётгани натижасидир.

Соҳа вакилларини мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш тизими яратилиб, барча қулайликларга эга замонавий ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш кенг йўлга қўйилгани ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ўтган икки йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилаётган олти юзга яқин ҳарбийлар оиласи барча шароитларга эга янги уй-жой билан таъминланганини бунга яққол мисол бўла олади.

Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг йигирма йиллик байрами арафасида ҳарбийлар учун барпо этилган янги уйларнинг фойдаланишга топширилаётгани ҳам мард, жасур Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оилаларига кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

– Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Мустаҳкам оила йилида барча шароитларга эга янги уйнинг калитини олганимиз ва Ватан ҳимоячилари кунини янги уйда нишонлаётганимиздан қувончимиз чексиз, – дейди кичик сержант Ўткиржон Умаровнинг турмуш ўртоғи Дилоромхон Умарова. – Хоналар кенг ва шинам. Ошхона ва бошқа қўшимча хоналар замонавий усулда жиҳозланган. Чегарачи оиласига бека бўлиш фахрли, айни пайтда бу зиммамга катта масъулият ҳам юклайди. Оилада икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқдамиз. Мактаб ва болалар боғчаси уйимизнинг шундоқ ёнида жойлашган. Бундай қулайликлар турмуш ўртоғимнинг хизмат бурчини оиладан кўнгли тўқ ҳолда, юксак даражада адо этишига имкон яратади. Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан чексиз миннатдормиз.

Шартнома асосида хизмат қилаётган II даражали старшина Рўзибой Набиев оиласининг уй тўйи ҳам яқинлари билан гавжум бўлди. У турмуш ўртоғи Файзинисо билан уч фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда.

– Шаҳарнинг марказида қад ростлаган шундай кўркам уйда яшаётганимиздан ғурурланаман, – дейди Р.Набиев. – Ҳарбийларга Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай чексиз ғамхўрлик ёшларимизда соҳага катта қизиқиш уйғотаётир. Улар учун Ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш нафақат Конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланмоқда.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

**"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:**

**1.** Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2012 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

**2.** Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2012 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

**3.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Б.Тошматов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 12 январь*

Жиззах Вилояти

## ҚУДРАТИМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИКДА

**Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик бизнинг энг катта бойлигимиздир.**
**Жиззах вилоятида етмишдан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ истиқомат қилмоқда. Бу ерда рус, қозоқ, қирғиз, тожик, корейс ва татар миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда.**

Мамлакатимизда ҳар бир миллатнинг тили, миллий, тарихий маданияти ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилаётир. Вилоятда таълим рус, қозоқ, тожик ва қирғиз тилларида олиб бориладиган мактаблар мавжуд. Жиззах давлат педагогика институтининг рус, қозоқ тили факультетларида малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Ушбу факультетлар ва мактаблар тегишли тилдаги зарур дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминланган.

— Мамлакатимиз халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, миллий тилларда ўқитиладиган мактабларни дарслик ва кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаётгани натижасида фарзандларимиз тўлақонли билим олиш имконига эга бўлмоқда, — дейди

### РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Республика рус миллий маданият марказининг Жиззах вилояти бўлими раҳбари Александр Скрипкин. — Рус тилида таълим бериладиган мактаблар вилоятдаги намунали билим даргоҳлари сирасига киради. Жиззах давлат педагогика институтида рус филологияси факультети фаолият кўрсатаётир. Бу факультет жамоаси рус тили фани ўқитувчилари тайёрлаш билан бирга марказимиз томонидан турли тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этмоқда.

Миллий маданият ва санъат, урф-одат ва қадриятлар ҳар бир халқнинг ўзлигини кўрсатувчи асосий белгилардир. Ҳар йили ўтказиб келинаётган "Ўзбекистон — умумий уйимиз" республика фестивали ва унинг вилоят босқичлари турли миллатларнинг маданияти ва қадриятларини равнақ топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Фестиваль давомида муайян ҳудудда истиқомат қиладиган турли миллатларнинг миллий ва тарихий қадриятларини акс эттирувчи бадиий тасвир, халқ амалий санъати, ҳунармандчилик асарлари кўргазмалари ташкил этилаётир. Миллий маданият марказлари ҳамкорлигида тайёрланган турли халқларнинг куй, ашула ва рақс санъати намуналаридан ташкил топган концерт дастурлари мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар маданиятларининг ривожига хизмат қилмоқда.

Байналмилаллик руҳи, ўзи туғилиб ўсган заминга муҳаббат, эл-юртга ҳурмат-эҳтиром туйғулари инсон қалбида болаликдан шаклланади. Шу боис миллий маданият марказлари томонидан ёшларни байналмилал дўстлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ёшлар ўртасида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар юксак самара бермоқда.

Зомин тумани 8-умумтаълим мактабида "Биз бир замин ва замон фарзандларимиз" мавзуида ўтказилган, ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлигига бағишланган учрашув бунга яққол мисол бўла олади. Тадбирда туманда қадимдан бир оила фарзандларидек иноқ яшаб келаётган икки қардош халқ ўртасидаги авлоддан-авлодга ўтиб келаётган дўстликни ёшлар муносиб давом эттираётгани ёрқин намоён бўлди. Шунингдек, бу ерда халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчилик буюмлари ва миллий таомлар кўргазмаси, қирғиз халқ оғзаки ижоди бўйича оқинларнинг айтишувлари ўтказилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**



## ОНА ТАБИАТНИНГ НОЁБ МАСКАНЛАРИ

***Табиатимизнинг ноёб флора ва фаунасини муҳофаза қилиш, бундай ҳудудларни янада кенгайтириш мақсадида сайёрамизда 14 январь — Қўриқхоналар ва миллий боғлар куни сифатида нишонланади.***

Мамлакатимиз табиати бетакрор, бой. Уни аслидай асраш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими биологик хилма-хилликни муҳофаза этишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимига 8 та давлат қўриқхонаси, Қуйи-Амударё биосфера резервати, 2 та миллий табиат боғи, 9 та буюртмахона ва жониворларнинг ноёб турларини кўпайтириш бўйича республика "Жайрон" экомаркази киради.

Мазкур тизимда давлат табиий қўриқхоналари асосий ўринни эгаллайди. Қўриқхоналарнинг асосий мақсади қимматли табиий объектлар, ландшафтлар, ноёб ва қимматли ўсимликлар ҳамда ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдир.

Биохилма-хилликни сақлашда Миллий боғларнинг ҳам ҳиссаси катта. 2011 йил "Бадай-тўқай" давлат қўриқхонаси базасида 68717,8 гектар майдонга эга Қуйи-Амударё давлат биосфера резервати ташкил этилди.

Биосфера резервати қўриқхона ва буюртмахона вазифаларини бажарувчи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифасига киради. Биосфера резерватлари нафақат у жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг табиат билан уйғун ҳолатда ривожланиш имконини беради, балки жамият эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Ушбу ёндашув Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хиллигини муҳофаза қилиш бўйича Миллий стратегияси ва чора-тадбирлар режасида ўз аксини топган.

Ҳайвонларнинг ноёб турларини кўпайтириш бўйича республика "Жайрон" экомаркази майдонининг кенгайтирилиши мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларнинг ёрқин мисолидир. 2009 йилда экомарказ майдони 9369 гектарга кенгайди. Бугунги кунда экомарказда жайрон, қулон, Пржевал отлари, бухоро тоғ қўйи каби жониворларнинг ноёб турлари кўпайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилда қабул қилинган "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунига мувофиқ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур Қонун шунингдек, "Биологик хилма-хиллик тўғрисида", "Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисида" ҳамда "Халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқли ҳудудлар тўғрисида"ги ва бошқа Конвенциялар юзасидан олинган халқаро мажбуриятларнинг амалга оширилишини ҳам таъминлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида ана шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда соҳага оид вазирлик ва идоралар мутахассислари, мамлакатимизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини янада ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар вакиллари иштирок этишди. Муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг биохилма-хилликни асрашдаги ўрни, бундай ҳудудларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида фикр алмашилди.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

# ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ЁРДАМИДА...

## ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙИБГИНА ҚОЛМАЙ, ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ ҲАМ ЯХШИЛАНМОҚДА

**Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси 57 минг гектардан зиёд экин майдонига обиҳаёт етказиб беради. Бошқарма таркибида 39 та насос станцияси, 382 та мелиоратив ва суғориш тик қудуқлари бор. Биргина ўтган 2011 йилнинг ўзида бошқарма жамоаси 146 та сув насосини таъмирдан чиқариб, 16 та янгиларини ўрнатди.**

Чилангар Ўткир Мамадалиев, электромонтёр Каримжон Аминжонов, автоматика ва телемеханика сектори бошлиғи Ботир Тўйчиев, автохўжалик раҳбари Абдуваҳоб Зиёев, бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдураҳим Умиров каби жонкуяр, ўз касбига фидойи кишиларнинг меҳнати самарасида экинлар парвариши даврида деҳқонларимизга қийинчилик туғилмаяпти. Хуллас, жамоада иш қизғин. Аммо биз ҳозир уларга батафсил тўхталмоқчи эмасмиз. Жамоа амалга ошираётган эзгу иш — озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида ишга туширилган қўшимча тармоқ имкониятлари ҳақида гаплашмоқчимиз.

Президентимиз томонидан 2009 йил 26 январда "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Унда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бошқарманинг насос станциялари ва мелиоратив тик қудуқлар участкалари қошида паррандачилик, чорвачилик, қуёнчилик, баликчилик, боғдорчилик ва полизчиликни йўлга қўйишга астойдил киришилди. Жумладан, Сирдарё туманидаги 3-насос станцияси қошида паррандачилик ҳамда баликчилик ёрдамчи хўжалиги ташкил этилди. Кўп ўтмай бу ерда молхона қурилди. Кейинчалик эса Сайхунобод туманидаги 1-, Сирдарё туманидаги 6-насос станцияларида қўйчилик ва эчкичиликка ихтисослаштирилган ёрдамчи хўжаликлар ҳам фаолият бошлади. Гулистон, Ховос туманларидаги мелиоратив тик қудуқлар участкаларида қуёнчилик, Боёвут туманидаги мелиоратив тик қудуқлар участкасида қуёнчилик ва паррандачилик хўжаликлари ривожлантирилди. Сайхунобод, Ховос, Сирдарё туманларидаги 1-, 3-, М2-насос станциялари ҳамда Мирзаобод туманидаги ПК-135-насос станциясида боғдорчиликка ҳам асос солинди.

Бундан ташқари, ташландиқ майдонлар тартибга келтирилиб, ғалла, шоли, полиз ҳамда сабзавот экинлари парвариш қилинди.

Ёрдамчи хўжаликлардан биргина ўтган йили 5 тонна картошка, 3,3 тонна пиёз, 2 тонна сабзи, 1,5 тонна карам, 2 тонна мева, 4,7 тонна гуруч, 43 тонна буғдой олинди. Биргина паррандачиликдан олинаётган даромад бир йилда ўртача 324 миллион сўмни ташкил этмоқда. Олинаётган бу даромадлар ишчи-хизматчиларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш имконини бераётир. Ўтган йили бошқармада ишлаётган 600 нафар ходимга 3 тоннадан ортиқ гўшт, 500 килограммдан зиёд лимон, ҳар бир ишчига 1,5 килограммдан асал тарқатилди. Бошқарма қошидаги 35 ўринли ошхонада эса ишчиларга арзонлаштирилган нархда таомлар тайёрлаб берилмоқда.





Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси участкаларида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликлар шу тизимдаги бошқа вилоятлар ишчи-хизматчилари эътиборини ҳам тортаётир.

— Яқинда Қашқадарё вилояти насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасининг бир гуруҳ вакиллари ёрдамчи хўжаликларимизда олиб борилаётган ибратли ишлар билан танишиб, юқори баҳо беришди, — дейди бошқарма бошлиғининг ижро интизоми ва назорат ишлари бўйича ўринбосари Пиримқул Дўстмаматов. — Уларнинг холисона берган баҳоси ишчи-хизматчиларимизни янада самарали ва узоқни кўзлаб ишлашга руҳлантириб юборди. Дастурий режамизга кўра, 2012 йил ҳосили учун 3,2 гектар ерга буғдой, 3,2 гектар майдонга арпа экиб, парвариш қиляпмиз. Алоҳида лимонариямиздаги ғуж-ғуж ҳосил кўрган кўзни қувонтиради.



— Хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида Ховос, Сайхунобод, Гулистон туманлари машина-трактор парклари қошида насосларни таъмирлаш устахоналарини ҳам ишга туширдик, — дейди Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи Тўймурод Шарипов. — Шунингдек, бошқарма қошида коллеж битирувчилари учун алоҳида амалиёт хонаси ташкил этилган. Ўтган йили бу ерда 150 нафар битирувчи ўз билимларини амалиётда мустаҳкамладилар. Уларнинг 17 нафари бошқармамизда доимий иш билан таъминланди. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириб, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳисса қўшаверамиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

АСАЛАРИЧИЛИК

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан асаларичилик соҳасини ривожлантиришга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари, илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлар олимлари ҳамда асаларичиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.**

## ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим омил бўлаётганлигини Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқа сўзга чиққанлар таъкидлашди.

Истиқболли тармоқларга қаратилаётган эътибор натижасида аҳоли фаровонлиги ўсмоқда, янги иш ўринлари яратилаётир. Жумладан, асаларичилик. Юртимиз иқлими, табиий флораси кўп миқдорда шифобахш неъмат — асал йиғиш имконини беради. Шу боис, кейинги йилларда соҳа ривожи учун имтиёзлар, қулайликлар яратилмоқда. Асаларичилик билан шуғулланаётган тадбиркору фермерларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилмоқда. Натижада соҳанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, янги инвестициялар жалб қилиш, ички бозорни сифатли асал ҳамда асалдан тайёрланган маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш имконияти кенгайиб бормоқда. Маълумотларга кўра, 2011 йилда асаларичилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар етти мингдан ошган. Асалари оиласи сони 2008 йилга нисбатан 50 фоизга ўсган. Ўтган йилда 3 минг тоннадан зиёд асал ва асал маҳсулоти тайёрланган.

Йиғилишда тармоқни ривожлантириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва асаларичилик соҳасига оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш хусусида фикрлашилди.

**А.БОТИРОВ**

Андижон вилояти

Ерни бойитиш, экинлар парваришида маҳаллий ўғитдан фойдаланиш самараси фермерлар фаолиятида намоён бўлмоқда.

Яқинда Хўжаобод туманидаги "Эргашбой ота" фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Эргашевнинг ғаллазорида бўлдик. Бизни қизиқтиргани далага чиринди сепилаётганлиги эди. Бунинг боисини сўраганимизда, фермер айтдики, чиринди ер бетини қоплаган ғаллазор учун бамисоли кўрпа — ҳарорат ушлагич ҳамда ўғит вазифасини ўтайди.

# ДЕҲҚОН ЕРНИ БОҚАДИ, ЕР ЭЛНИ

— Тупроқ ҳам тирик жон, — дейди Ойбек Эргашев. – Беш йилдан буён "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖ тизими томонидан даламизнинг бошига чиринди келтириб беріляпти. Кўпчиликдан иш қочиб қутулмайди. Гектарига беш тоннагача чиринди соляпмиз.

Фермер хўжалигида 36,5 гектар майдонда ғалла майсалари парвариш қилиняпти. Ҳозиргача 30 тонна чиринди олиб келинди. Мўлжал эса ҳар гектар ерга 5 тоннадан чиринди сепиш. Қиш охирлагач, минерал ўғит бериш бошланади. Қарабсизки, минерал ва маҳаллий ўғит қўшилиб майсаларга жон киргизиб юборади.

Андижон вилояти "Қишлоқхўжаликкимё " ҲАЖ жамоаси 2007 йилда хайрли ташаббус билан чиқди. Фермерларга чиринди етказиб бериш жорий этилди. Бунинг учун ахлатхоналарга механизациялашган линиялар ўрнатилди. Экспертлар чириндилар таркибини ўрганиб чиқишди. Маълум бўлишича, ҳар тонна чиринди таркибида 7,8 килограмм азот, 1,5 килограмм фосфор ва шунча миқдорда калий бор экан. Шунингдек, чиринди таркибида ўнлаб турдаги микроэлементлар мавжудлиги аниқланди.

Ерига бефарқ бўлмаган фермерлар ўз далаларига чиринди солишни биринчилардан бўлиб бошлаб беришди. Уларнинг ҳосил олишдаги натижалари қўшни фермерларнинг ҳам эътиборини тортди. Бугунга келиб чиринди масаласида тарғиботу ташвиқотга ҳожат қолмади. Маълумотларга кўра, 2012 йил ҳосили учун 200 минг тонна чиринди тайёрлаш режаси бор. Айни кунларда кунига 1,5 минг тонна атрофида чиринди тайёрланиб, фермерларга етказиб беріляпти. Чиринди тайёрлаш мавсуми эса 1 апрелгача давом этади.

Улуғнор туманидаги "Андижонлик Шуҳратбек ерлари" фермер хўжалигида чириндидан фойдаланишда илғор тажриба тўпланган. Айни қиш чилласида ғаллазорларга чиринди сепиш эвазига ушбу хўжаликда барқарор ҳосил яратилмоқда. Ғўза парваришида эса чиринди "шарбат"га айлантирилиб беріляпти. Хўжалик далалари шўрланган. Чўл шароитида ўша майдонлардан 34 центнергача пахта териб олинаётганлигида ҳам чиринданинг ҳиссаси катта.

Яқинда республика миқёсида ўтказилган йиғилишда мутахассислар кузнинг сўнгги ойидаги ёғингарчиликлар боис, ғалла экиш, кўчат олиш ва туплатиш борасидаги тадбирларда узилишлар бўлганлигини қайд этишди. Уларни бартараф этиш учун эса бугун ҳаракат қилмоқлик зарур эканлиги таъкидланди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖ ҳамда Андижон вилояти "Пахтасаноат" бирлашмаси жамоаси фермерларга мадад бўлишяпти. Жумладан, пахтани қайта ишлашдан олинадиган энг охирги чиқинди компостга айлантириляпти. "Асака-2" пахта тозалаш корхонасида ўтган йили тайёрланган ана шундай чиқиндидан минг тоннаси бугун улуғнорлик фермерларга пешма-пеш етказиб берилаётир. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, қишлоқ хўжалиги тизимидаги корхона, ташкилот жамоалари ҳам фермерларга баҳоли қудрат кўмак беришаётир.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# «МИЛЛИЙ ЭМЛАШ КУНЛАРИ»ГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

**2012 йилнинг 23-28 январь кунлари мамлакатимиз бўйлаб 8 ва 9 ёшли барча болаларни вирусли гепатитнинг В турига қарши "Миллий эмлаш кунлари" бўлиб ўтади. Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида ушбу тадбир тайёргарлигига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш тизимининг етакчи мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

Тадбирда қайд этилганидек, вирусли гепатитнинг В тури ўткир юқумли касаллик бўлиб, жигар фаолиятининг бузилиши билан изоҳланади. Касаллик вируси жигар ҳужайраларида кўпаяди ва уларни зарарлайди. Агар касалликнинг олди олинмаса, жигар церрози ва рак касаллиги каби оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Унга қарши курашнинг энг самарали ва замонавий усулларидан бири касаллик юқиши эҳтимоли юқори бўлган аҳоли гуруҳини эмлашдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, "Миллий эмлаш кунлари"ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича барча ҳудудларда тиббиёт ходимлари учун махсус семинарлар ўтказилмоқда. Уни ўтказишда мамлакатимиз бўйича 9636 эмлаш бригадалари, 5600 дан ортиқ эмлаш пункти, махсус тайёргарликдан ўтган 10 000 нафардан ортиқ врач, 19272 нафар эмлаш ва патронаж ҳамшираси, мактабгача таълим-тарбия муассасалари ҳамда меҳрибонлик уйларининг ходимлари қатнашадилар. Ҳозирда эмлаш учун Ҳиндистонинг "Serum Institute LTD" фирмаси томонидан ишлаб чиқилган "Вакцина против вирусного гепатита В" вакцинаси олиб келиниб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати марказларига "совуқлик занжири" қоидаларига амал қилинган ҳолда етказилди. Ушбу вакцинанинг хавфсизлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус сертификати билан кафолатланган.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА**

Наманган вилояти

▼ ҚИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

# ҚИШКИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР АВЖИДА

**Азим Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган Мингбулоқ, қисман Поп ҳамда Тўрақўрғон туманларининг экин майдонлари шўрхок бўлгани боис, айни кунларда мазкур ҳудудларда деҳқонлар қишки агротехник тадбирларни, жумладан, ер шўрини ювиш ишларини олиб боришмоқда.**

— Жорий йилда вилоятимиз бўйича жами йигирма тўрт минг тўрт юз гектардан зиёд майдонда шўр ювиш ишларини олиб бориш режалаштирилган, — дейди "Норин — Сирдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Сув ресурслари баланси ва гидрометрия хизмати сектори бошлиғи Исоқжон Нарзуллаев. — Шунингдек, Мингбулоқ туманида 15718 гектар, Поп туманида 8386 гектар, Тўрақўрғон туманида 300 гектар майдонга яхоб суви берилади. Бу тадбирни ернинг шўрлигига қараб икки ёки уч маротаба ўтказиш кўзда тутилган. Шўр ювиш ишларини тез ва сифатли ўтказишда мавжуд суғориш иншоотларининг ўз вақтида тозаланганлиги ва таъмирланганлиги айни муддао бўлаётир. Қолаверса, экин майдонларининг сифатли шудгорлангани, текислангани ҳамда ер майдонларининг нишаблигига қараб, майда-майда полларга бўлингани ҳам шўр ювиш ишларини бирмунча тезлаштирмоқда. Айни қишнинг совуқ кунларида бевосита бошқармамизнинг 375 нафар ходими шўр ювиш ишларига жалб этилган. Улар жойларга бориб, ушбу тадбирни тез ва соз ўтказиш учун фермер хўжаликларига яқиндан ёрдам беришяпти.

Айни кунларда вилоятдаги барча фермер хўжаликларида қишки дала юмушлари қизғин давом эттирилмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ҚУДРАТИМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИКДА

**(Боши 1-саҳифада)**

— Тўй-маъракаларимиз биргаликда ўтади, қадимдан бир-биримиз билан яқин дўст, қуда-анда бўлиб келганмиз, — дейди Қирғиз миллий маданият маркази вилоят бўлимининг раҳбари Мамат Гулбоев. — Бу дўстлик элимизнинг катта бойлигидир. Мустақиллик йилларида муҳтарам Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли дўстлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда миллий маданиятлар ва қадриятларни эъзозлаш, янада равнақ топтириш учун барча имкониятлар яратиб берилгани миллий марказлар фаоллари ташаббуси билан ўтказилаётган байрамларда яққол намойиш этилаётир. Жумладан, ҳар йили Республика татар миллий маданият марказининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилаётган "Сабантўй", корейс миллий маркази томонидан Шарқ тақвими бўйича кутиб олинаётган Янги йил байрами тадбирларида вилоятдаги бошқа миллат вакиллари ҳам фаол иштирок этаётир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида миллатлараро дўстлик ва тотувлик ҳар томонлама ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётир. Миллий маданият марказлари ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари ҳам бу эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

**Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйида 2012 йил — Мустаҳкам оила йили муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. У "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан ташкил этилди.**

# БАНК ХОДИМЛАРИНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Байрам тадбирида тарбияланувчиларга телевизор, юмшоқ ўйинчоқлар ва бошқа янги йил совғалари топширилди. Шунингдек, Меҳрибонлик уйининг 3 нафар тарбияланувчисини банк жамоаси ўз ҳомийлигига олди. Уларга махсус сертификат берилди.

— Ушбу сертификат тарбияланувчиларни олий ўқув юртларида тўлов-шартнома асосида ўқиши учун таълим кредити билан таъминлаш, шунингдек, уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун банк томонидан имтиёзли микрокредит ажратиш ҳуқуқини беради, — дейди "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси филиали раҳбари Амангелди Исаев. — Бу каби хайрия тадбирларини келгусида ҳам давом эттирамиз.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Эълон

Барча турдаги корхоналар ва ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ 1-4:**

**Лот-1: "Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги "Ҳисор" ҳудудида коллекторлар қуриш ва реконструкция қилиш".**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** (ҚҚСсиз) 1 765 850 071 сўм; **ишларни тугатиш муддати** – 16 ой.

**Лот-2: "Фарғона вилояти Риштон туманидаги Йиғувчи "К-4" (земнор) хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш".**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** (ҚҚСсиз) 1 673 166 778 сўм; **ишларни тугатиш муддати** – 17 ой.

**Лот-3: "Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги "Қумқишлоқ-2" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш (L-7,4 км)".**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** (ҚҚСсиз) 335 835 713 сўм; **ишларни тугатиш муддати** – 3 ой.

**Лот-4: "Фарғона вилояти Данғара туманидаги "Мозорбува" хўжаликлараро коллекторини тизимли реконструкция қилиш (L-10,1 км)".**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** (ҚҚСсиз) 259 424 389 сўм; **ишларни тугатиш муддати** – 5 ой.

*Диққат! Қиймати 500 000 000 сўмгача бўлган объектларга танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

**Буюртмачи:** Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Қурилиш ишларини молиялаштириш мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй. 311-308-хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

